

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛОЛОВА ШАХНОЗА МУҲАМЕДЖАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛ ТУРЛАРИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on
philological sciences**

Жалолова Шахноза Муҳамеджановна

Инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларининг
чоғиштира тадқиқи 3

Жалолова Шахноза Муҳамеджановна

Сопоставительное исследование типов глаголов
в английском и узбекском языках 25

Jalolova Shakhnoza Mukhamedjanovna

Comparative analysis of verb types
in English and Uzbek 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

Иловалар

Приложение
Appendix..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ,
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАЛОЛОВА ШАХНОЗА МУҲАМЕДЖАНОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФЕЪЛ ТУРЛАРИНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2018.3.PhD/Fi163 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (nuu.md.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джумабаева Жамила Шариповна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулова Маҳфуза Инамовна
филология фанлари доктори, профессор

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андижон давлат университети ҳузуридаги DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24; (99871) 246-53-21; e-mail: pauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Бош ўқув биноси 1- қават 108-хона)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

И.А.Сиддиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўнги йилларда қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик доирасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, чоғиштирма тилшунослик чет тили ўқитиш методикасининг лингводидактик асоси ҳисобланиб, бир-бирига қардош бўлмаган тиллардаги фарқ ва ўхшашликларнинг методик жиҳатдан аҳамиятининг ўрганилиши хорижий тилни ўзлаштираётганлар нутқида рўй берадиган тиллараро интерференция ва фацилитацияларни аниқлаш, ўрганилаётган тилнинг қулай ва самарали жиҳатларини аниқ кўрсатиш имконини беради. Шу боис, турли тизимли тилларни чоғиштириш, уларнинг ўрганилмаган қирралари юзасидан изланишлар олиб бориш замонавий тилшуносликда тобора долзарбланишмоқда. Шунингдек, турли тилларнинг ўзига хос тенденция ва қонуниятларини очиб бериш, тиллараро муқобилларни аниқлаш, доимий алоқада бўлган тилларнинг ўзаро бойиши ҳамда бир-бирига таъсирини ойдинлаштириш каби масалалар чоғиштирма тилшуносликнинг назарий вазифалари сирасига киради.

Дунё тилшунослигида феъл сўз туркуми ва уни таснифлаш масаласига бағишланган изланишлар кўлами кенгаймоқда, қардош бўлмаган тиллардаги феълнинг сўз туркумлари орасидаги ўрни, хусусиятлари, ифодаланиши, феъл турларининг шакллари, маънолари, морфологик категориялари, қўлланилиши ва унинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этишда янгича ёндашувлар кўплаб тилшуносларнинг эътиборини ўзига жалб этиб, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, олиб борилган изланишларнинг аксарияти фақат бир тил учун хос бўлиб, феъл турлари чоғиштирма аспектда чуқур ўрганилмаган ва феъл турларининг грамматик жиҳатдан илмий таснифи ишлаб чиқилмаган. Бу эса феъл турларини аниқлашда грамматик ҳодисаларнинг лексик бирликлар ва уларнинг турлари билан бевосита алоқадорлигини тадқиқ этишни тақозо этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён мамлакатимизда ёшларга чет тилларни ўргатишнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши хорижий тил бўйича малакали мутахассис ва таржимонларни тайёрлаб бериш, замон талабларига мос келадиган дарсликлар, қўлланмалар, тил назариялари ҳамда чет тилини ўзбек аудиториясида ўқитишнинг такомиллашган замонавий методикасини яратиш заруриятини белгилайди. Зеро, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ҳамда инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ масалаларининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб қўйилиши, ўз навбатида мазкур соҳага доир изланишларнинг такомиллашувини тақозо этмоқда. Бу борада тил тизимининг асосий лексик бирлиги бўлмиш феъл

¹ Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28 (6722).

сўз туркуми, унинг барча грамматик, лексик ҳамда семантик турларини чоғиштирма аспектда тадқиқ қилиниши ва шу йўсинда уларни лексика ва грамматика ўртасидаги боғлиқлик асосида таснифлаш, турли тизимли инглиз ва ўзбек тилларга хос грамматик ҳодисаларни ҳар хил даражада эканлигини очиқ бериш янада долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон Қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил қилиш ҳақида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрел ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ВМҚ-304-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади ва ушбу соҳани янада ривожлантиришга замин бўла олади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Феъл сўз туркуми, унинг турлари, ясалиши ва грамматик категориялари ҳақидаги муҳим маълумотлар даставвал А.Н.Кононов, А.М.Щербак, А.Ғ.Ғуломов, А.П.Ҳожиев каби таниқли олимларнинг² илмий асосланган асарларида ўз ифодасини топган ва ўзбек тилшунослигида феъл назарияси юзасидан изланишларнинг ривожланишига тўртки бўлган. Шунингдек, феълларнинг айрим семантик турлари (нутқ, ҳолат, юмуш, сезиш, йўналма, объектли ва объектсиз ҳаракат феъллари), валентлик кўринишлари ҳамда уларнинг семантик хусусиятлари И.К.Қўчқортоев, Р.Расулов, С.Ҳ.Муҳамедова, М.К.Абузаловаларнинг докторлик³ ва Ў.Шарипова, Д.Абдуллаева, З.У.Сиддиқов, Т.Т.Мусаев, Г.А.Наримова, В.А.Каримжонова ва

² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1960. – С. 187; Щербак А.М. Грамматика староузбекского языка. – М. – Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 151–180; Ғуломов А.Ғ. Феъл. – Т.: Фан, 1954. – 88 б.; Ҳожиев А.П. Феъл. – Т.: Фан, 1973. – 192 б.

³ Кучкартаев И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке (компонентный и валентный анализ). Дисс. ... д-ра. филол. наук. – Т.: Фан, 1977. – 168 с.; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Т., 1989. – 34 с.; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. Филол. фан. док. ...дисс. – Т., 2007. – 325 б.; Абузалова М.К. Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик қурилма. Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 32 б.

бошқаларнинг номзодлик ишларида⁴ тадқиқ этилган. Инглиз тилшунослигига эътибор қаратадиган бўлсак, феълнинг айрим жиҳатлари ва уни таснифлаш масаласи M.Aronoff, J.L.Bybee, W.Pagliuca, R.D.Perkins, A.M.Clark, R.A.Close, Ch.Fries, P.Hill, R.Huddleston, J.K.Pullum, O.Jespersen, M.Joos, S.Kemmer, M.Newings, F.R.Palmer, D.Osten, H.A.Poustma, John E.Warriner, M.Swan, K.Walter, M.Haspelmath, Richard Nordquist, Kenneth Beare ва бошқаларнинг⁵ ишларида кўриб чиқилган. Мазкур ишлар эътиборга молик қизиқарли назарий фикр-мулоҳазаларни ўз ичига олган, аммо феълни тўлиқ ўрганиш борасига бағишланган илмий изланишлар етарли эмас. Аксинча, феълнинг аниқ бир турини тадқиқ этишга бағишланган бир қатор диссертация ишлари, дарслик ва қўлланмалар мавжудлигини таъкидлаш мумкин. Улар орасида Г.Г.Сильницкий, С.И.Жолобов, Л.Ф.Лихаманова, В.Г.Павленко, И.Н.Меркулова, В.В.Батицкая, Н.Н.Болдырев, М.И.Аветисянларнинг⁶ ҳамда E.M.Gordon, I.P.Krilova ва K.A.Gouzeeva, S.I.Kostygina⁷ каби олимларнинг қўлланмалари шулар жумласидандир.

⁴ Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари: Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 1996. – 152 б.; Абдуллаева Д. Семантик-синтактик валентлик ва ўзга гапли қурилмалар: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд: СамДУ, 2002. – 22 б.; Сиддиқов З.У. Ўзбек ва турк тилларида кўрув лексемалари семантикаси: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Т., 2000. – 27 б.; Мусаев Т.Т. Ўзбек тилидаги сезги феъллари: Филол. фан. ном. ...дисс. – Т., 1992. – 145 б.; Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Т., 2005. Каримжонова В.А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Т., 1994. – 24 б.; Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Т., 1999. – 22 б.

⁵ Aronoff M. Morphology now. – Albany, New York: Sunny Press, 1992. – 36 p.; Bybee J. The Evolution of Grammar: tense, aspect and modality in the languages of the world / Bybee Joan, Revere Perkins and William Pagliuca. – Chicago & London: The University of Chicago Press, 1994. – 398 p.; Clark A.M. Spoken English. – London: Oliver & Boyd, 1947. – 115 p.; Close R.A. A Reference Grammar for Students of English. – M., 1979. – 372 p.; Fries Ch. The Structure of English. – London, 1963. – 214 p.; Hill P. An Instant Approach to English Grammar. – Hong-Kong, 2002. – 241 p.; Huddleston R., Pullum J.K. Grammar of the English Language. – New York: Cambridge University Press, 2002. – 292 p.; Jespersen O. Essentials of English Grammar. – London: Allen & Unwin, 1933, – 210 p.; Joos M. The English Verb: Form and Meaning. – Madison: University of Wisconsin Press, 1964. – 262 p.; Kemmer S. The middle voice // Typological Studies in Language, – Amsterdam: John Benjamin's Publishing company, 1993. – 155 p.; Newings M. Advanced Grammar in Use. – New York: Cambridge University Press, 2002. – 240 p.; Osten Dahl. Tense and aspect systems. – Oxford: B. Blackwell, 1985. – 213 p.; Palmer F.R. A Linguistic Study of the English Verb. – London: Longmans, 1965. – 199 p.; Poustma H.A. Grammar of Late Modern English. Part II. – Groningen: P. Noordhoff, 1926. – 260 p.; Warriner John.E. English Grammar and Composition. – The USA: Harcourt, Brace and Company. Inc. 1958, – 655 p.; Swan M., Walter K. English Grammar. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990. – 152 p.; Haspelmath Martin. Understanding morphology. – Oxford: Arnolds Publishers, 2002. – 252 p. <http://grammar.about.com/od/tz/g/verbterm.htm>; <https://www.thought.com/verb-definition-1692592>.

⁶ Сильницкий Г.Г. Семантические и валентные классы английских каузативных глаголов: Автореф. дисс. ...д-ра. филол. наук. – Л., 1971. – 29 с.; Жолобов С.И. Семантика и функционирование английских глаголов, обозначающих определенно-направленное перемещение в пространстве: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Калинин, 1984. – 16 с.; Лихаманова Л.Ф. Семантическая филиация английских звукоизобразительных глаголов движения: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Л., 1996. – 16 с.; Павленко В.Г. Когнитивно-семантические и структурные свойства лексических единиц мыслительной деятельности в английском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Пятигорск, 2013. – 32 с.; Меркулова И.Н. Категория функционально-связочных глаголов в современном английском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Тамбов, 2004. – 164 с.; Батицкая В.В. Функционально-семантический потенциал глаголов длительности в современном английском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Иркутск, 2001. – 174 с.; Болдырев Н.Н. Категориальное значение глагола: Системный и функциональный аспекты: Монография. – Москва–Берлин: Директ–Медиа, 2016. – 229 с.; Аветисян М.И. Категориальная структура глаголов движения в современном английском языке. // Университетские чтения: Часть 04, Издания ПГУ, – Пятигорск, 2016. – С. 64–70.

⁷ Gordon E.M., Krilova I.P. The English Verbals. – M.: Mejdunarodnii otnosheniya, 1973. – 215 p.; Gouzeeva K.A., Kostygina S.I. The Infinitive. English Grammar. – St.-Petersburg: Soyuz, 2000. – 310 p.

Шунинг билан биргаликда, инглиз тилида феъл, унинг бир қанча турлари ва грамматик категориялари Л.С.Бархударов, А.И.Смирницкий, И.П.Иванова, М.Я.Блох, И.М.Берман, Б.С.Хаймович, Б.И.Роговская, Б.А.Ильиш каби рус тилшуносларининг⁸ барча инглиз тили грамматикасига оид манбаларида атрофлича ёритилган.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл ва унинг турлари қиёсий аспект нуқтаи назаридан ўзбек олимлари Ж.Б.Бўронов, Ў.Қ.Юсупов, А.С.Содиқов, М.Т.Ирискулов, Р.З.Мурясов, С.А.Хамзаев, Ғ.К.Мирсанов, Т.Эргашев, Н.Р.Каримова, А.Қ.Пўлатовлар⁹ томонидан ўрганилган. Ж.Б.Бўронов ва бошқаларнинг тадқиқотларида феъл турлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларнинг аксарияти очиб берилган, аммо феълнинг асосий шакллари бўлмиш шахс кўрсатмайдиган феъллар, яъни предикатив (кесимлик) бўлмаган феъл шакллари – инфинитив, сифатдош, равишдош ва герундийлар чоғиштирма таҳлил қилинмаган. Р.З.Мурясов рус, инглиз, немис, француз, лотин ва татар тилларидаги шахссиз феълларнинг айрим жиҳатларини тадқиқ қилган ва уларнинг таксис ифодалай олишини исботлаган. С.А.Хамзаев томонидан иккиламчи предикативли курилмалар (ИПК) таркибидаги баъзи феълларнинг функционал семантик хусусиятлари таҳлилга тортилган ва уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари қиёсий аспектда очиб берилган. Т.Эргашевнинг илмий ишида каузативлик категориясининг турли тизимли тилларда ифодаланиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ёритилган. Н.Р.Каримова инглиз тилидаги боғловчи феълларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини, А.Қ.Пўлатов эса ўзбек тилидаги феъл шаклларидаги инглиз ва рус тиллардаги адекват муқобилларини аниқлаган.

Феъл соҳасига доир амалга оширилган кўплаб тадқиқотларда эътиборга молик қатор назарий мушоҳадалар келтирилган, бироқ феъл турларининг грамматик жиҳатдан илмий таснифи етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва уларни белгилашда лексика билан грамматика ўртасидаги алоқадорлик инобатга олинмаган. Хусусан, шу вақтга қадар инглиз ва ўзбек тилларида феъл турлари чоғиштириш орқали тадқиқ этилмаган. Мазкур тадқиқотда қардош

⁸ Бархударов Л.С. Очерки по морфологии английского языка. – М., 1975. – 156 с.; Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – М.: Изд. Литературы на иностранных языках. 1959. – 440 с.; Иванова И.П. и др. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – 285 с.; Блох М.Я. Теоретические основы грамматики английского языка. – М.: Высшая школа, 2002. – 289 с.; Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. – М.: Visshaya shkola, 1983. – 383 p.; Берман И.М. Грамматика английского языка. – М.: Международные отношения, 1965. – 296 с.; Khaymovich B.S, Rogovskaya B.I. A Course of English Grammar. – М.: Visshaya shkola, 1967. – 298 p. Ilysh B.A. The Structure of Modern English. – L.: Prosvesheniye, 1971. – 366 p.

⁹ Buranov J.B, Yusupov U.K, Sadikov A.S, Iriskulov M.T. The Grammatical Structures of English, Uzbek and Russian. Part I. – Т.: Ukituvchi, 1986. – 308 p.; Мурясов. Р.З. Неличные формы глагола в контрастивно-типологическом видении. // Вопросы языкознания №4, 2000. – С. 43-55.; Хамзаев С.А. Инглиз ва ўзбек тилларидаги иккиламчи предикацияли курилмаларнинг синтактик, семантик ва когнитив хусусиятлари. Филол. фан. фалсафа док-ри ...дисс. автореферати. – Т., 2018. – 24 б.; Эргашев Т. Выражение категории каузативности в разносистемных языках (на материале английского, узбекского и других языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1990.; Каримова Н.Р. Связочные глаголы английского языка и их соответствия в узбекском языке. Автореф. канд. дисс. ...филол. наук. – М., 1970. – 21 с.; Мирсанов Ғ.К. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектиал хусусиятлари. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2009.; Пўлатов А.Қ ва бошқалар. Дунёвий ўзбек тили. 1-жилд. Ўзбек тилида феъл шакллари ва уларнинг рус, инглиз тилларидаги кўринишлари. – Т., 2003. – 404 б.

бўлмаган тиллардаги феъл ва унинг турларини тасниф қилиш Ў.Қ.Юсупов¹⁰ томонидан ишлаб чиқилган тилларни чоғиштириш тамойилларини эътиборга олган ҳолда таҳлил қилинди. Феъл турларининг қиёсий ва чоғиштирма аспектда ўрганилиши икки тил учун муҳим бўлган қатор янги қирраларни очишга муайян даражада хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Турли тизимли тилларнинг чоғиштирма ва типологик хусусиятлари» мавзусида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тилларида грамматика ва лексика ўртасидаги алоқадорликни инобатга олган ҳолда феъл турларини аниқлаш ва чоғиштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларида лексика ва грамматика ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш ва уларга муносабат билдириш;

инглиз ва ўзбек тилшунослигида ўрганилган барча феъл турларига оид назария ва қарашларни таҳлил қилиш ҳамда уларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

икки тилдаги феъл турларининг шакллари, маънолари ва қўлланилиши жиҳатидан ўхшашлик ва фарқларни очиб бериш;

инглиз тилида ҳаракатнинг объектга йўналтирилишига кўра феълнинг яна бир тури мавжудлигини аниқлаш ва далиллаш;

инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларининг семантик ва грамматик хусусиятларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти инглиз ва ўзбек тилларида феъл турлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларида феъл турлари ўртасидаги мавжуд бўлган ўхшашлик ва фарқлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда чоғиштирма, компонент таҳлил, кузатиш, сўровнома ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

инглиз ва ўзбек тилларида грамматика ва лексика ўртасидаги боғлиқлик асосида феълларни турларга ажратиш далилланган;

инглиз тилида ўтимли ва ўтимсиз феъллар билан бир қаторда қоришиқ феъллар мавжудлиги аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида мавжуд бўлган мустақил, бир валентли, икки валентли, уч валентли каби грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган феъл турларидаги ўхшашлик ва шахсиз феъл турларининг инфинитив, герундий, сифатдош, равишдош каби фарқли жиҳатларини намоён бўлиши очиб берилган;

инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг мустақил маъно англатиши, шакл ясаши, объектга муносабати, валентлиги, феълларнинг предлоғли тўлдирувчи

¹⁰ Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. –Т.: Фан, 2007. – С. 90–100.

олиши, ўтимсиз феълларнинг пассив нисбат формасида кела олиши, ҳаракатнинг вақтда чегараланганлигига кўра ҳамда формал эгани талаб қилувчи феъл турлари каби грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган таснифи ишлаб чиқилган;

Ўзбек тилида грамматик нисбат, майл ва ҳаракат тарзи категорияларига оид янгича ёндашув – феълнинг нисбат категориясига уч ҳадли оппозициядан аниқлик, ўзлик, мажҳуллик нисбатлардан иборат деб қаралиши, ўзбек тилида ҳам инглиз тилидаги каби майллар кўчиши ҳодисаси ва ҳаракат тарзи категорияси билан бирга давомийлик тарз категориясининг кузатилиши асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилида инфинитивнинг алоҳида шахс кўрсатмайдиган феъл мақомига эгаллиги ҳамда сифатдош ва равишдошларнинг таксис ифодаланиши асослаб берилган;

Ўзбек ва инглиз тилларида феъл турларининг семантик хусусиятларини аниқлаш асосида феъл валентлигига тил ва нутқ нуқтаи назаридан ёндашув ёритилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл турларинининг грамматик ва семантик хусусиятларини қиёсий тадқиқ этиш натижасида лексика ва грамматика ўртасидаги боғлиқликка асосланган феъл таснифи ишлаб чиқилган;

ҳаракатнинг объектга йўналтирилишига кўра феъл турларининг чоғиштирма таҳлили асосида инглиз тилида 1600 га яқин қоришиқ феъллар рўйхати шакллантирилган;

феъл турларининг ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари очиқ берилган хулосалардан умумий тилшунослик, хусусий тилшунослик, тилшунослик назарияси, морфология, синтаксис каби фанлар бўйича яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммо юзасидан назарий-илмий қарашларнинг ўрганилганлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларини қиёсий аспект нуқтаи назаридан асосланганлиги, тадқиқотда замонавий тилшунослик ютуқларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган вазифаларга мос келувчи тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги, таҳлилга тортилган материалларнинг самарадорлиги, мавзу бўйича илмий асосланган назарий хулосалар чиқарилганлиги, хулоса ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларида грамматик ҳодисаларнинг лексик бирликлар билан бевосита алоқадорлигини қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилганлиги ҳамда изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини очиқ берилганлиги билан изоҳланади. Тадқиқотда таклиф қилинган феълнинг оптимал таснифи ҳақидаги илмий

асосланган фикрлар умумий ва хусусий тилшуносликдаги феъл назариясини маълум даражада ривожлантиришга янгича ёндашув бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти инглиз тили назарий ва амалий грамматикасини ўзбек аудиториясида ўқитиш, инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий типологияси фани ва курсларини ўқиш ҳамда инглиз ва ўзбек тилшунослиги, чоғиштирма тилшунослик бўйича назарий манба яратиш, дарслик, қўлланма, маъруза матнлари тузиш, шунингдек, замонавий академик, ўқув ва икки тилли луғатларни такомиллаштиришда фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида феъл турларининг чоғиштирма тадқиқи жараёнида эришилган натижалар асосида:

феълларнинг валентликка кўра турлари: бир валентли (*to go – юрмоқ, to die – ўлмоқ to bleed – қонамоқ*), икки валентли (*to kill – ўлдирмоқ; to beat – урмоқ*), уч валентли (*to tell – айтмоқ; to write – ёзмоқ; to ask – сўрамоқ*) каби лексемалар, синтактик қурилмалар, ҳамда модал, кўмакчи феълларнинг синтактик ва семантик хусусиятиларига оид фикрлардан А-1-92 рақамли «Авестони тизимли тадқиқ этиш ва зардуштийлик хрестоматиясини нашр этиш» мавзусидаги давлат лойиҳасининг атамалар изоҳи қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1581-сон маълумотномаси). Натижада зардуштийлик хрестоматиясини тадқиқ қилиш ҳамда нашр этиш жараёнида матнларни мазмунини шарҳлаш, ўзбек тилининг бой ифода имкониятларини кўрсатиш, ушбу соҳа доирасида қўлланилувчи қадимий, тарихий атамалар мазмун-моҳиятини намоён этувчи феълларни таҳлил этиш ҳамда уларнинг контекстга мос изоҳ ва муқобилларини танлаш имконини берган;

феъл турларини чоғиштириш йўли билан семантик хусусиятлари жиҳатидан баён қилинган икки вазифали – қоришиқ феълларга оид назарий хулосаларидан «Инглиз тили грамматикасидан универсал қўлланма» (гриф: ISBN 978-9943-373-71-6) номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1582-сон маълумотномаси). Натижада замонавий тилшуносликда ўзаро тафовутга эга бир-бирига қардош бўлмаган тиллар, яъни инглиз ва ўзбек тилларидаги ўтимли, ўтимсиз, қоришиқ феъл турларини чоғиштирма аспектда талқин қилиш, инглиз тилида 1600 га яқин феълларни қоришиқ феъл сифатида тўплаб, уларнинг рўйхати шакллантирилган ҳамда ушбу қоришиқ феълларнинг семантик хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилган;

феъл турларининг грамматик хусусиятларини аниқлаш учун тадқиқ этилган шахс кўрсатувчи ва шахс кўрсатмайдиган феъллар оппозицияси лексик-грамматик категория ҳосил қилиши ҳақидаги илмий-назарий хулосаларидан «Modern Uzbek language» (гриф: ISBN 978-9943-992-03-0) номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1582-сон маълумотномаси). Натижада шахс кўрсатувчи ва шахс кўрсатмайдиган феъллар оппозицияси лексик-грамматик категория ҳосил қилиши ҳақидаги А.И.Смирницкийнинг фикрини ўзбек тили материали асосида тасдиқланиши ва ўзбек тилшунослигига ҳам киритилиши имконини берган, ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл турларининг шакллари, маънолари, қўлланилиши, морфологик категориялари ҳамда уларнинг грамматик хусусиятларига оид илмий хулосалари билан боғлиқ натижалари «5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси)» йўналишида «Назарий грамматика ва фонетика» фани, ҳамда «5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (тиллар бўйича)» бакалавриат таълим йўналишида «Қиёсий типология ва таржима назарияси» фани, шунингдек, «5А120102 – Лингвистика (инглиз тили)» магистратура мутахассислигида «Қиёсий тилшунослик» фани бўйича намунавий дастурлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 89-03-1582-сон маълумотномаси). Натижада таклиф этилган феъл таснифи ҳақидаги материаллар феъл назариясини маълум даражада ривожлантириш, хусусан, қиёсланаётган тиллардаги (инглиз ва ўзбек тиллари) феълнинг умумлисоний хусусиятлари, феълнинг ўзига хос тенденция ва қонуниятлари, тиллараро муқобиллари ҳамда феъл турлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни очиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро конференция, республика миқёсида 9 та илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзусининг асосий мазмуни жами 15 та илмий ишда ўз аксини топган бўлиб, шулардан, 1 та монография, 11 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 3 та илмий мақола хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, қўлланилган методлар, объекти ва предмети тавсифланган. Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари баён қилинган, эришилган натижаларнинг янгилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда

жорий этиш ва фойдаланиш имкониятлари, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Феъл ҳақидаги назариялар**» деб номланган боби икки параграфдан иборат бўлиб, «Феъл ҳақида тушунча» параграфида сўз туркумлари, уларнинг таснифи, феълнинг сўз туркумлари орасидаги ўрни, семантикаси, хусусиятлари, ифодаланиши, икки тилдаги феъл турларининг шакллари, маънолари, морфологик категориялари, қўлланилиши, феълнинг синтактик вазифалари ва валентлиги ҳақидаги умумий маълумотлар келтирилган, ҳамда уларнинг морфологик, семантик ва грамматик хусусиятларига муносабат билдирилган.

Сўз туркумларига айрим тилшунослар¹¹ сўзларнинг грамматик таснифи деб қарайдилар ва уларда грамматик категорияларни кўрадилар. Бошқа гуруҳ тилшунослари эса уларни сўзларнинг лексик-грамматик таснифи деб атайдилар¹². Бизнингча, иккинчи фикр ҳақиқатга яқин, чунки грамматик маъно сўз асосидан ташқарида ифодаланади, сўз негизи эса лексик маъно англатади. Биринчи фикр тарафдорларининг нуқтаи назарларига муносабат билдирилганда, сўз туркумларига грамматик категориялар деб қаралса, улардаги лексик мавҳум маъно (предметлик, ҳаракат ва бошқа маънолар) мавжуд эмас деган мантикий мулоҳаза вужудга келади. Сўз туркумларида лексик маъно мавжуд бўлар экан, луғат таркибидаги сўзларнинг барчаси грамматик категориялар ҳисобланмайди.

Тилшунослар ўртасида гапнинг мутлақ ҳоқими қайси гап бўлаги эканлиги ҳақида қизгин мунозаралар давом этмоқда. Ў.Қ.Юсуповнинг қайд этишича, бу масалада уч хил фикр мавжудлиги таъкидланади¹³. Биринчи фикр анъанавий тилшуносликка хос бўлиб, унга кўра, эга гапдаги мутлақ ҳоқим гап бўлагидир, иккинчи фикрга кўра, мутлақ ҳоқим эга ва кесим ҳисобланади. Учинчи фикр тарафдорлари бўлмиш Л.Теньер, Ч.Филлмор, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов ва бошқалар гапдаги мутлақ ҳоқим сифатида кесимни тан оладилар. Бу ёндашув ҳозирги замон тилшунослигида «вербоцентризм» деб аталади. Биз Ў.Қ.Юсупов фикрига қўшилган ҳолда, иккинчи фикрни ҳақиқатга яқин деб ҳисоблаймиз ва бунинг асосини кесимнинг эга билан мослашувида, шунингдек, кесимни ифодаловчи феълнинг эгага ўрин очишида кўраимиз. Мослашув тобелик аломатидир, яъни кесим эгага тобедир. Эганинг пайдо бўлиши кесим вазифасидаги феълнинг валентлигига боғлиқ, бу эса эганинг кесимга тобелигини англатади.

Ушбу бобнинг «Феълларнинг таснифи муаммо сифатида» деб номланадиган иккинчи параграфида луғат таркибидаги сўзларни таснифлашдаги муаммолар, тасниф турлари, бу борадаги турли хил қарашлар, инглиз ва ўзбек тилларида лексика ҳамда грамматика ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги мавжуд фикр-мулоҳазалар ўрганилган. Чоғиштирилаётган тиллардаги феъл турларига доир

¹¹ Березин Ф. М., Головин Б. Н. Общее языкознание. – М.: Просвещение, 1979. – С. 182; Докулил М. К вопросу к морфологической категории // Вопросы языкознания, 1967, № 6. – С. 4–5; Blokh V. Y. A Course in Theoretical English Grammar. – М.: Visshaya shkola, 1983. – p. 37.

¹² Смирницкий А. И. Морфология английского языка. – М.: Изд. Литературы на иностранных языках. 1959. – С. 100; Степанов Ю. С. Основы общего языкознания. – М.: Просвещение, 1975. – С. 131; Степанова М. Д., Хельбих Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – М.: Высшая школа, 1978. – С. 22.

¹³ Юсупов Ў. Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида эга. // Филологиянинг долзарб муаммолари. – Т., 2008. – Б. 50–55.

тилшунос олимларнинг назарий қарашлари умумлаштирилган ва улар ўртасидаги тафовутлар, шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги илмий манбалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда берилган барча феъл турлари аниқланиб, таҳлил қилинган. Феъл таснифига лексик-грамматик тасниф нуктаи назаридан ёндашиш таклиф қилинган.

Лексик ва грамматик белгиларнинг иштирокига кўра феълларнинг таснифи, асосан, уч хил бўлади: лексик-семантик, лексик-грамматик ва грамматик таснифлар. Лексик-семантик тасниф лексикологияда қўлланилади, уларга семантик майдонлар, тушунча майдонлари, лексик-семантик гуруҳлар, тематик гуруҳлар, лексик майдонлар кабилар киради. Луғат таркибидаги сўзларни бундай тасниф қилишга бағишланган бир қанча ишларнинг¹⁴ мавжудлиги бу таснифга алоҳида тўхталишни тақозо этмайди.

Тил бирликларини гуруҳлаштиришда лексика ва грамматикани эътиборга олган ҳолда тасниф қилиш лексик-грамматик тасниф саналади. Тилдаги энг катта ва кенг қамровли лексик-грамматик тасниф – сўзларни туркумларга ажратиб тасниф қилиш ҳисобланади. Сўз туркумларининг лексик жиҳати уларнинг негизида ифодаланган мавҳум категориал маънолар ҳисобланади (ҳаракат, предмет, белги ва ҳоказолар). Грамматик жиҳати уларнинг морфологик категориялари ифодалаган грамматик маънолардир (замон, модаллик, нисбат, шахс, сон ва ҳоказолар). Грамматик таснифда грамматик белги муҳим асос саналади. Бундай таснифга мисол тариқасида феълларнинг стандарт ва ностандарт турларга ажратишни келтириш мумкин.

Феъл мавзусига бағишланган қатор асар ва грамматикага доир ишларни (грамматик назариялар) таҳлил қилиш натижасида бир қанча мунозарали фикрлар аниқланди. Хусусан, АҚШ ва инглиз тилшунос олимлари R.Quirk, R.A.Close, J.E.Warriner, R.Nordquist кабиларнинг инглиз тилида феъл турлари бўйича келтирилган таснифларини таҳлил қилиш натижасида турлар ўртасидаги сон жиҳатдан мавжуд бўлган кескин фарқни кузатиш мумкин (1-иловага қаранг).

Шунингдек, рус тилшунослари¹⁵ ҳам инглиз ҳамда ўзбек тилларида мавжуд феъл турларини атрофлича таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар, лекин уларни тасниф қилишда грамматика ва лексика ўртасидаги боғлиқлик

¹⁴ Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М., 1976. – 354 с.; Щур О. Теория поля в лингвистике. – М., 1974. – 256 с.; Trier J. Der deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes. Heidelberg, 1931; Ipsen G. Der Alte Orient und die Indogermanen «Festschrift für W.Streitberg». Haidelberg, 1924 ва бошқалар.

¹⁵ Ganshina M.A., Vasilevskaya N.M. English Grammar. – М.: Foreign Languages Publishing House, 1953. – 465 p.; Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – М.: Изд. Литературы на иностранных языках. 1959. – 440 с.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л., 1960, – 446 с.; Решетов В.В. Основы фонетики, морфологии и синтаксиса узбекского языка. – Т.: Средняя и высшая школа, 1961. – 243 с.; Kaushanskaya V.L. et al. A Grammar of the English Language. – L.: Uchpedgiz, 1963. – 318 p.; Берман И.М. Грамматика английского языка. – М.: Международные отношения, 1965. – 296 с.; Khaymovich B.S, Rogovskaya B.I. A Course of English Grammar. – М.: Visshaya shkola, 1967. – 298 p. Пыш В.А. The Structure of Modern English. – Leningrad: Prosvesheniye, 1971. – 366 p.; Бархударов Л.С., Штелинг Д.А. Грамматика английского языка. – М.: Высшая школа, 1973. – 423 с.; Gordon E.M. Krilova I.P. A Grammar of Present-day English. – М.: Higher School Publishing House, 1974. – 333 p.; Иванова И.П. и др. Теоретическая грамматика современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1981. – 285 с.; Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. – М.: Visshaya shkola, 1983. – 383 p. Качалова К.Н., Израилевич Е.Е. Практическая грамматика английского языка. – Бишкек, 2007. – 660 с.;

этиборга олинмаган. Айниқса, тилшунос олимлар орасида М.Блох¹⁶ томонидан ишлаб чиқилган таснифда феъл турлари жуда кўп миқдорга ажратилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг таснифида феълнинг 30 тага яқин турлари санаб ўтилган бўлиб, келтирилган турларнинг хилма-хиллиги М.Я.Блох уларни юқорида санаб ўтилган белгиларни инобатга олмаган ҳолда таснифлаганидан далолат беради (2-иловага қаранг).

Тилшунослар Ж.Б.Бўранов, Ў.Қ.Юсупов, Ў.Ҳ.Ҳошимов, А.П.Ҳожиев, А.Ғ.Ғуломов, Ш.Раҳматуллаев, М.М.Миртожиев, А.Нурманов, У.Турсунов, Б.Р.Менглиев, Ў.Холиёров, З.Т.Холмонова, Н.А.Слободкина, М.Т.Ирискулов, А.Қўлдашев, М.Ғаппоров, Р.Қосимова, Р.Р.Сайфуллаева ва бошқаларнинг асарларида инглиз ва ўзбек тилларида феъл турлари етарли даражада ўрганилган бўлса-да, аммо илмий тасниф асосида феъл турлари белгиланмаган ва бу ишларнинг аксариятида улар чоғиштира таҳлил этилмаган.

Инглиз тили грамматикаси бўйича мутахассислар ўз асарларида учтадан қирқ бештагача феъл турларини келтирган бўлсалар, ўзбек тилшунослари учтадан йигирма еттигача феъл турларини белгилайдилар. Улар ичида грамматика учун аҳамиятли бўлган таснифлар билан бирга аҳамиятсиз бўлган таснифлар ҳам учрайди. Масалан, А.Нурмоновларнинг¹⁷ таснифи феълнинг тўққизта лексик-семантик тури – юмуш, тафаккур, сезги, рухий ҳолат, нутқ, ишора, жисмоний ҳолат, табиий ҳолат, кўриш феълларини ўз ичига олган. Бу тасниф лексикология учун ғоят муҳим, аммо унинг грамматика учун аҳамияти очиқ қолган. Феълнинг ясалиши бўйича турлари ҳам, бизнинг фикримизча, лексикологиянинг вазифасига киради, чунки биз нутқда, одатда, янги сўзлар ясамай тайёр сўзлардан (феъллар) фойдаланамиз.

Инглиз ва ўзбек грамматик адабиётларида феъл турларининг таснифи ҳақидаги фикрлар бир-биридан кескин фарқ қилиши умумий ҳамда хусусий тилшуносликда ҳам феълларнинг таснифи илмий равишда ишлаб чиқилмаганлиги ва таснифлаш жараёнида грамматиканинг лексика билан боғлиқлиги етарли даражада ҳисобга олинмаганлигида деб биламиз. Шунга қарамадан, ҳар икки тилга доир тадқиқотларда бир қатор грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган таснифлар мавжуд (3-иловага қаранг).

Ишнинг «**Инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган таснифлари**» номли иккинчи боби беш параграфдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган тасниф номи билан аталади. Ушбу бобда қардош бўлмаган тиллардаги грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган феъл турлари атрофлича тадқиқ қилинган. Грамматика билан лексика ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда, инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл турларининг янгича илмий таснифи ишлаб чиқилди. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларида қуйидаги грамматик жиҳатдан аҳамиятли бўлган феъл турлари аниқланди: мустақил маъно англатиши; шакл ясаши; объектга муносабати; валентлиги; феълларнинг предлоғли тўлдирувчи олиши; ўтимсиз феълларнинг пассив

¹⁶ Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. – M.: Visshaya shkola, 1983. – 383 p.

¹⁷ Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т.: Фан, 1992. – 294 б.

нисбат формасида кела олиши; ҳаракатнинг вақтда чегараланганлигига кўра таснифлари ҳамда формал эгани талаб қилувчи ва ярим предикатив синтактик курилмалар билан ишлатиладиган феъллар (4-иловага қаранг).

Шунга мувофиқ, инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг мустақил маъно англатишига кўра мустақил ва номустақил феъл турлари белгиланди.

I. Мустақил феълларнинг лексик маънолари тўлиқ бўлади ва улар мустақил равишда ифодаланади. Мустақил маъноли феъллар, одатда, гап бўлаги вазифасида келади, улар иккала тилдаги луғатларда маркерсиз (ажратиб кўрсатмасдан, белгисиз) берилади. Мустақил маъноли феъллар очик системани ҳосил қилади ва объектив борлиқдаги конкрет ҳаракатлар, ҳолатлар, жараёнларни атаб гап номинациясининг (ифодаланган воқеани) энг керакли қисмини ҳосил қилади. Мисоллар: *The order was done before expiry date.* – *Буюртма муддатидан олдин бажарилди.*

II. Номустақил феъллар мустақил маъно англатмайди, гап бўлаги вазифасида кела олмайди ҳамда мустақил феълларга хизмат қилади. Улар турли грамматик маъно ифодалаш учун қўлланади, кўпинча асосий феълга модал, тус давомийлик, замон, нисбат, бўлишли-бўлишсизлик, таксис ва бошқа грамматик маъноларни кўшишга хизмат қилади. Номустақил феълларнинг муҳим грамматик аҳамияти ҳам шунда бўлиб, уларнинг сони жуда озчиликни ташкил қилади, шунинг учун феълларнинг ушбу тури ёпиқ система саналади. Номустақил феълларни қиёслаб ўрганиш орқали улар ҳар иккала тилда ўзига хос тарзда бир-биридан бутунлай фарқ қилиши аниқланди. Инглиз тилида: боғлама, ёрдамчи ва модал феъллар; Ўзбек тилида: боғлама, ёрдамчи (тўлиқсиз) ва кўмакчи феъллар.

1. Боғлама феъллар асосан от (*I am a teacher*), сифат (*She is beautiful*), сон (*It is 9 o'clock*), олмош (*It is me*) сўз туркумлари ва ҳолат маъносини ифодаладиган сўзлар (statives, adlinks) билан биргаликда от кесимни ҳосил қилади. Боғлама феълларнинг таҳлили натижаларига кўра қуйидаги турлари белгиланди: соф (*to be*); махсус (сезгини ифодаладиган: *look, seem, appear, feel, taste*; сезгини ифодаламайдиган: *become, get, grow, remain, keep, turn, go, run*). Шунингдек, боғлама феъллар мустақил маъно ҳам ифодалай олади, бундай боғлама феъллар ҳозирги вақтгача истеъмомда бўлиб, улар мустақил феъллардан ҳосил бўлган. Масалан: *To be or not to be, that's the question.* (Shakespeare) – *To be* мустақил феъл сифатида қўлланилган.

Ўзбек тилида айрим тилшунослар томонидан бу икки терминни (боғлама ва ёрдамчи феъллар) бир атамага бирлаштириб, «тўлиқсиз феъл» деб ҳам қўллайдилар¹⁸. Шунга мувофиқ ўзбек тилида тўлиқсиз феълларни *эди, эмиш, экан* ташкил қилади. Шунингдек, ўзбек тилида бир номустақил феъл контекстга қараб боғлама ва ёрдамчи феъл бўлиб келиши мумкинлиги ҳам кузатилди. Масалан, *эди* номустақил феъли қуйидаги гапларнинг биринчисида боғлама феъл вазифасида, икинчисида ёрдамчи феъл вазифасида келган:

¹⁸ Ҳожиёв А.П. Тўлиқсиз феъл. – Т.: Фан, 1970. – Б. 8; ХўАТ. – Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қисм I. – Т.: Фан, 1966. – Б. 320.

1. *У ёш эди* (боғлама феъл); 2. *У бизникига келиб турар эди* (ёрдамчи феъл).

2. Ёрдамчи феъллар мустақил феълларга кўшилиб, уларнинг категориал формаларини ясайди. Бундай формалар аналитик формалар ҳисобланиб, уларда битта мустақил ва бирдан тўрттагача (инглиз тилида) ёрдамчи феъллар бўлади. Ёрдамчи феъллар лексик маъносини йўқотиб, грамматик маъно ифодалайди ва улар асосан феълнинг грамматик формаларини яшаш учун хизмат қилади. Инглиз тилида улар қуйидагиларни ташкил этади: *to do, to have, to be, shall, will, should, would*. Ўзбек тилшунослигида ёрдамчи феълларни баъзан *тўлиқсиз феъл* деб ҳам атайдилар¹⁹.

3. Модал феъллар ҳозирги ўзбек адабий тилида мавжуд эмас, инглиз тилида эса мавжуд. Модал феъллар шакллари, грамматик белгилари, маънолари, ишлатилиши ва яна қатор хусусиятлари билан бошқа номустақил феъллардан ажралиб туради. Улар керак, имконият, эҳтимоллик, мумкинлик, нореаллик, гумон, ишончсизлик, хоҳиш-истак, руҳсат, тақиб каби модал маънолар, шунингдек эмоция, ажабланиш, иккиланиш каби қатор маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. «*Can* ва *may*»дан ташқари ҳамма модал феъллар ҳеч қандай грамматик категориялар, яъни замон, майл, нисбат, тарз, шахс-сон морфологик категорияларига эга эмас. Уларнинг ҳеч бири инфинитив, сифатдош ва герундий шаклларида кела олмайди, бўлишсиз формасини яшашда ёрдамчи феъллар қатнашмайди, аксинча, *not* инкор юклагани кўшилади. Шу боисдан улар дефектив (камчилиги бор) феъллар саналади. Модал феълларнинг мавжудлиги барча грамматика мутахассислари томонидан тан олинади, аммо уларнинг сони ва айрим маънолари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Ў.Қ.Юсупов модал феъллар ифодалайдиган маънолар мураккаб эканлигини ҳисобга олиб, уларни ўзбек тилига таржималари орқали тушунтиришга ҳаракат қилган ва модал феълларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини келтириб ўтган²⁰. Тадқиқот ишининг ушбу қисмида Ў.Қ.Юсуповнинг модал феъллар семантикаси ҳақидаги фикрларидан фойдаланилди. Модал феълларнинг қуйидаги турлари ажратилди: (*can (could) may (might), must, ought to, shall (should), will (would)*). Таҳлил натижалари ўзбек тилида модал феъллар мавжуд эмаслигини кўрсатди. Кўп ҳолларда ўзбек тилида улар ўрнига модал сўзлар (*шарт, зарур, мумкин, эҳтимол, керак*) тўғри келиб, худди инглиз тилидаги модал феъллар бажарган вазифада қўлланилиши кузатилди.

Кўмакчи феълларни тадқиқ қилиш натижасида, улар ҳам номустақил феълларнинг бир тури бўлиб, фақат ўзбек тилида мавжудлиги, инглиз тилида эса бундай феъл тури учрамаслиги кузатилди ва кўмакчи феъллар туркологиядаги, шунингдек, ўзбек тилшунослигидаги мунозарали масалалардан бири эканлиги аниқланди. Хусусан, А.П.Ҳожиёвнинг қайд этишича, ўзбек тилида бутунлай кўмакчи феълга айланган бирорта ҳам феъл йўқ. Айрим мустақил феъллар кўмакчи феъл вазифасида ҳам қўлланилади ва турли маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади²¹. Шунингдек, бир гуруҳ тилшунослар етакчи феъл билан

¹⁹ ҲўАТ. – Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 321; ҲЗЎТ. – Ҳозирги замон ўзбек тили [Фахрий Камол таҳрири остида] – Т.: Ўз.ССР ФА, 1957. – 526 б.

²⁰ Yusupov U.K. Ingliz tili grammatikasidan universal qo'llanma. – Т.: Akademnashr, 2011. – В. 176–180.

²¹ Ҳожиёв А.Ф. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Т.: Фан, 1966. – Б. 14–15.

қўшилиб келган кўмакчи феълларни қўшма феъл деб ҳисобласалар²², бошқа олимлар эса уларга феълнинг аналитик формалари деб қарайдилар²³. Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, кўмакчи феъл ўзининг лексик маъносини қанчалик даражада йўқолишига боғлиқ ҳолда қўшма феъл ёки аналитик форма ясаши мумкин. Агар у лексик маъносини бутунлай йўқотган бўлса, унда етакчи феъл билан кўмакчи феълга аналитик форма деб қараган маъқулдир. Агар у лексик маъносини қисман йўқотган бўлса, уларни қўшма феъл деб ҳисоблаш мумкин.

Кўмакчи феълларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият олимлар томонидан эътироф этилган кўмакчи феъллар қуйидагиларни ташкил қилади: *бошламоқ, ётмоқ, турмоқ, юрмоқ, ўтирмоқ, бўлмоқ, битирмоқ, олмоқ, бермоқ, қолмоқ, қўймоқ, чиқмоқ, бормоқ, келмоқ, кетмоқ, юбормоқ, ташламоқ, солмоқ, тушмоқ, ўлмоқ, ўтмоқ, етмоқ, кўрмоқ, қарамоқ, боқмоқ, ёзмоқ*. Аммо инглиз тилида ўзбек тилидаги кўмакчи феъллар бажарган вазифаларни, одатда, феълдан кейин ишлатиладиган ўз маъносини йўқотган айрим равишлар (*up, out, in, down, on, off* ва бошқалар) бажаради. Масалан: *to cut up, to cut out, to cut in, to cut down, to cut on, to cut off*.

Тадқиқотда мустақил ва номустақил феълларнинг юқорида таҳлил этилган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, феълларни бундай турларга ажратишда лексик ва грамматик белгилар эътиборга олинди.

Шунингдек, феълларнинг форма ясашига кўра тасниф қилинишига мувофиқ, фарқлар кўзга ташланиб, феълларнинг бу хусусиятга кўра таснифи фақат инглиз тили учун хослиги аниқланди. Инглиз тилида феълларни стандарт (тўғри) ва ностандарт (нотўғри) феъл турларига бўлиниши кузатилди. Ўзбек тилида барча феъл формалари маълум қоидалар асосида ясалади, шунинг учун бу тилда феълларнинг бундай турлари мавжуд эмас.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ўтимли ва ўтимсиз феълларни чоғиштириш натижасида умумий ўхшашлик ва фарқлар аниқланди, яъни ўзбек тилида феъллар ўтимли ва ўтимсиз, инглиз тилида эса ўтимли, ўтимсиз ва қоришиқ (феълларнинг ушбу турини биз *қоришиқ феъллар – double function verbs* деб номладик) феъл турларига ажратилди. Инглиз тили учун хос бўлган қоришиқ феъллар контекста (дистрибуцияга) кўра ўтимли ёки ўтимсиз бўла олиши мумкин. Масалан: *to sell* феъли қўйидаги гапларнинг биринчисида ўтимли, иккинчисида ўтимсиз тарзда қўлланилган: 1. *We sell books.* (ўтимли) – *Биз китоб сотамиз*; 2. *The books sell well.* (ўтимсиз) – *Китоблар яхши сотиляпти*. Қоришиқ феълларнинг рўйхати худди нотўғри феъллар жадвали каби грамматикага оид дарслик ва қўлланмаларда берилиши тавсия этилди.

Феълларнинг валентликка кўра таснифи таҳлили, феълларни бир валентли (бир актанти), икки валентли (икки актанти) ва уч валентли (уч актанти) феъл турларига ажратиш имконини берди. Бунда гаптаги эга ва тўлдирувчиларнинг мавжуд бўлиши кесимни ифодалаб келувчи феълга боғлиқ. Феъл ўзининг валентлиги (бирикиши) билан эга ва тўлдирувчиларга ўрин беради.

²² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. – Л., 1960. – С. 263–268; Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 86–91.

²³ Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. – М.: Наука, 1965. – 275 с.

Тилшуносликда феълнинг эга ва тўлдирувчиларни талаб қилиши унинг зарурий (облигатор) валентлиги деб аталади. Мана шу ўрин очиши, яъни зарурий валентлигига кўра феъллар юқоридаги турларга тақсимланди.

Тилдаги валентлик билан нутқдаги валентликни фарқлаш лозим. Тилда феъл валентлиги эга ва тўлдирувчиларга потенциал ўрин очиши билан бирга, бу ўринларни отнинг қандай семантик турлари тўлдириши мумкинлиги ҳақида ҳам маълумот билдиради. Нутқда эса бу валентлик реаллашади, яъни актантлар конкрет сўзлар (отлар) билан тўлдирилади, бунда кесим эга вазифасидаги агенс билан шахс-сонда мослашади, тўлдирувчи вазифасида келган пациенс ва адресатларни маълум келишида келишини ёки маълум предлоглар билан ишлатилишини талаб қилади. Демак, тилда феъл валентлиги асосида лексик семантика ётса, нутқда унинг асосида ҳам лексик семантика, ҳам грамматик семантика ётади.

Феълларнинг предлогли тўлдирувчи олишига кўра турлари, формал эгани талаб қилувчи ва яримпредикатив синтактик қурилмалар билан ишлатиладиган феълларни ўрганиш натижасида бу таснифлар фақат инглиз тилида мавжудлиги аниқланди.

